



СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Юлдашев Мамаджон Илхомович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
судьялар олий мактаби “Иқтисодий ҳуқуқ” кафедраси тингловчиси
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8174231>

ARTICLE INFO

Received: 14th July 2023

Accepted: 21th July 2023

Online: 22th July 2023

KEY WORDS

Судлар мустақиллиги
тамойили, институционал
ва индивидуал мустақиллик,
мустақил ва холис суд
tizими.

ABSTRACT

Ушбу мақолада муаллиф томонидан суд-ҳуқуқ соҳасида судларни чинакам мустақиллигини таъминлаш чораларини кўриш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, ҳалқаро ҳуқуқий кафолатлар ва қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёритилган.

Давлат суд тизими инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашнинг марказий таркибий қисми ҳисобланади. Суд тизими ҳокимиятнинг бошқа тармоқларини тизгинловчи ва мувозанатловчи ҳамда қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг ва ижро ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларига ва ҳуқуқ устуворлигига риоя қилиниши ўртасидаги мувофиқликнинг гарови ҳисобланувчи муҳим куч ҳисобланади.

Мустақил ва бетараф судларнинг мавжудлиги инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуққа тўла мос равишда инсон ҳуқуқларини кафолатловчи суд тизимининг марказий нуқтасида туради. Конституция, қонунлар ва давлатнинг умумий йўналиши адолатли судловнинг давлат ҳокимияти бошқа тармоқларидан тўлиқ мустақиллигини таъминлайди. Адолатли судлов тизими ўз касбий мажбуриятларини сиёсий аралашувларсиз ижро этиш эркинлигига эга ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир касбий мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳужумлар, таъқиблар ёки репрессиялардан юридик жиҳатдан ҳимояланган бўлишлари керак.

Судьялар ҳам бошқа шахслар каби инсон ҳуқуқларига эгадирлар, шунингдек, алоҳида ҳимоядан фойдаланадилар, зеро, улар қолган аҳоли учун инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг асосий кафили ҳисобланадилар.

Бундай махсус ҳимоя, ўз навбатида, алоҳида мажбуриятларни ҳам юзага чиқаради. Судларнинг мустақиллиги тамойили ғаразли мақсадларда фойдаланилиши мумкин



эмас; унинг мақсади—шахсларни ҳокимият суиистеъмоллиларидан ҳимоялаш ҳисобланади.

Шу муносабат билан судьялар адолатли судловни амалга ошириш йўлида асосий аҳамиятга эга. Улар ўз вазифаларини тегишли тарзда бажариш имкониятига эга бўлмаса, қонунийлик ва адолатли судловга бўлган ҳуқуқ жиддий хавф остида қолади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча универсал ва ҳудудий ҳужжатлар суд жараёнида (жиной, фуқаролик, интизомий ва маъмурий масалалар бўйича) мустақил ва бетараф суд ёки адолатли судловнинг бошқа органи томонидан ишларни ҳаққоний кўриб чиқиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Ишнинг адолатли ҳал қилиниши учун у ёки бу ишни кўриб чиқувчи судьянинг ёки суднинг мустақиллиги таъминланиши керак, мустақиллик шахсан судьяга ва умуман суд тизимига тааллуқли бўлади.

Институционал мустақиллик тушунчаси БМТ Бош Ассамблеянинг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан қўллаб-қувватланган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари тўғрисида”ги Резолюция («БМТ Асосий тамойиллари»)да мустақилликнинг зарурий жиҳати қуйидагича баён қилинган: «Суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституциясида ёки қонунларида мустаҳкамланади. Барча давлат ва бошқа муассасалар суд органлари мустақиллигини ҳурмат қилиши ва унга риоя қилиши керак»¹.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Иттифоқи судининг Судьялар мустақиллигига оид тавсияларида белгиланишича, судьялар мустақиллиги аниқ қоидаларнинг конституцияга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига киритилиши орқали кафолатланиши керак ҳамда ижро ҳокимияти ва қонунчилик ҳокимияти тармоқлари судьяларнинг мустақиллигини таъминлаши ҳамда судьяларнинг мустақиллигига раҳна солувчи чораларнинг қабул қилинишига йўл қўймаслиги керак².

Дунёнинг барча ҳудудлари судьялари томонидан тасдиқланган, Халқаро судьялар ассоциацияси (ХСА) томонидан 1999 йил 17 ноябрда маъқулланган “Умумжаҳон судьялар хартияси”нинг 1-моддасида «Судьяларнинг мустақиллиги қонунга мувофиқ холис адолатли судловни амалга ошириш учун зарурдир. У бўлинмасдир. Барча миллий ёки халқаро муассасалар ва ҳокимият органлари ушбу мустақилликни ҳурмат қилиши, сақлаши ва ҳимоялаши зарур»³.

Ҳокимият бўлиниши тамойили адолатли судловни амалга оширишнинг энг муҳим талабларидан ҳисобланади. Амалда, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мустақил бўлган суд тизимининг мавжудлиги адолатли судловни амалга оширишнинг, шунингдек, ҳуқуқ устуворлигининг зарурий шарти саналади.

Бош Ассамблеяси томонидан 2001 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Америкааро демократик хартия”нинг 3 ва 4-моддаларига кўра, қонунийлик тамойили, демократик институтлар ва ҳуқуқ устуворлиги ўртасида узвий алоқа мавжуд бўлиб, ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилига мувофиқ, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятлари бошқарувнинг учта алоҳида ва мустақил тармоғини ташкил этади. Давлатнинг турли органлари фавқулодда ва фарқли мажбуриятларга эга. Бундай бўлиниш туфайли ҳокимият тармоқларининг биронтасига иккинчи тармоқ ваколатларига аралашувига рухсат



берилмайди". Ҳокимият бўлиниши тамойили мустақил ва холис суд тизимининг тамал тоши ҳисобланади.

Умумий маънода «мустақиллик» муайян судья ёки суднинг қонунни далилларга нисбатан қўллашда мустақиллигини англатади. Мустақилликнинг ушбу тури суд тизимида институт сифатида (ҳокимиятнинг «институционал мустақиллик», деб аталувчи бошқа тармоқларидан мустақиллик) ва муайян судьяга (суд тизимининг бошқа аъзоларидан мустақиллик, ёки «индивидуал мустақиллик») тегишлидир. «Мустақиллик» бирон бир суд тизими, унинг таркибидаги судьялар ҳам давлат ҳокимиятининг бошқа тармоғига қарам бўлмаслигини талаб этади

Институционал мустақиллик тушунчаси БМТ Асосий тамойилларининг 1-тамойилида баён этилган ва унда барча институтларнинг ушбу мустақилликни ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш мажбурияти қафолатланади. Ушбу тушунча шуни англатадики, суд тизими ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан, хусусан, ижро ҳокимияти ва парламентдан мустақил бўлиши керак, улар эса бошқа институтлар каби суд қарорлари ва ҳукмларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши керак.

Мазкур тамойил бошқа институтлар қарорлари бўйича фикрлар хилма-хиллигидан ва ушбу қарорларга амал қилишдан иложи борида бош тортишдан ҳимояни талаб этади. Бундай мустақиллик, қарорлар қабул қилишга тегишли мустақиллик каби ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилини қўллаб-қувватлаш учун зарур.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди шуни эълон қилдики, судлар ҳам ижро ҳокимиятидан, ҳам жараёндаги томонлардан мустақил бўлиши даркор. Институционал мустақиллик тушунчаси бир неча масалалар билан боғлиқ.

Бу жиҳатдан Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссияси қуйидагиларни баён қилди: "Мустақиллик талаби [...] судларнинг ҳокимият бошқа тармоқларидан автономлиги, ким бўлишидан қатъи назар ва ҳар қандай асослар бўйича билдирилаётган таъсир, таҳдид ёки аралашувлардан эркинликни, шунингдек, суд функцияларининг тўғри ва мустақил ижросини, шу билан бирга, ваколатлар муддати ва тегишли касбий таълимни таъминлаш учун бошқа хусусиятлар заруриятини келтириб чиқаради"⁴.

Халқаро ҳуқуқ суд тизими институционал мустақиллигининг айрим жиддий жиҳатларига тегишли бўлган бир қатор қоидаларни кўзда тутди. Алоҳида олинган ишлар натижаларини назорат қилишнинг эҳтимолий воситаларидан бири, уларни муайян манфаатларни ҳимоялаш мақсадида қарор чиқара оладиган судьялар томонидан кўриб чиқиши учун киритиш ҳисобланади.

Руминия билан боғлиқ ҳолатда Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита шундай қарорга келдики, Адлия вазирлиги томонидан суд масалаларига нисбатан амалга ошириладиган ваколатлар, шу жумладан, апелляция жараёни, шунингдек, унинг судларни текширишга оид ваколатлари ижро ҳокимиятининг аралашувини ва суд тизимида нисбатан таҳдидни ташкил этади⁷⁷

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди суд ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги алоқани батафсил таҳлил қилиб чиқди ва қонунчилик ҳокимияти судларнинг мустақиллигини сақлаши ва ҳурмат қилиши керак, деган хулосага келди.



Институционал мустақиллик зарур кафолат бўлишига қарамай, ҳар бир алоҳида ҳолатда ишнинг судда адолатли кўриб чиқирилиши ҳуқуқини таъминлаш учун етарли шарт бўла олмайди. Судьялар алоҳида ишлар бўйича қарорлар чиқаришда аралашувлардан ҳимояланиш кафолатига эга бўлмаса, уларнинг адолатли судлов ҳуқуқи бузилади.

Бир қатор омиллар мавжудки, айримлари қуйида кўриб чиқилади ва улар суднинг мустақил эканлигини белгилаш имкониятини беради.

Умумий мезонлар сифатида судьяларнинг лавозимга тайинлаш тартиби ва уларнинг ваколат муддати, ташқи таъсирлардан ҳимояланиш механизмларининг мавжудлиги, судьялар ўзлари кўриб чиқаётган ишларни қонун асосида, бирон-бир репрессив чоралардан қўрқмасдан ҳал қилишини кўриш мумкин.

БМТ Асосий тамойилларининг 2-тамойилида белгиланганидек: «Суд органлари ўзларига берилган ишларни холис фактлар асосида ва қонунга мувофиқ, ҳеч қандай чекловларсиз, ҳеч бир томондан ва бирор сабабга қўра ноқонуний таъсир, ундов, тазйиқ, таҳдид ва аралашувларсиз ҳал қилади».

Афсуски, бутун дунё бўйлаб кўплаб судьялар ўз касбий мажбуриятларини бажаришда қотиллик ва қийноқлардан то зўравонликка қадар, бошқа лавозимга ўтказиш, суд томонидан таъқиб қилиш ҳамда лавозимидан ноқонуний четлатиш каби ҳам яширин, ҳам ошкора тазйиққа дуч келади

БМТнинг турли органлари бир неча бор айрим давлатларни ўз вазифаларини эркин амалга ошириши учун судьяларга зарур чора-тадбирларни кўришга чорлаб келади. Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси барча ҳокимиятларни, судьялар ва адвокатлар мустақиллигини ҳурмат қилишга ва қўллаб-қувватлашга ҳамда шу мақсадда уларга ўз касбий мажбуриятларини бирон-бир сиқув ёки қўрқитишсиз бажариш имконини берувчи самарали қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа зарурий чораларни қабул қилишга даъват этган.

Судьяларнинг шахсий мустақиллиги нуқтаи назаридан ижро ёки қонунчилик ҳокимиятига иерархик бўйсунининг, шунингдек, ҳокимиятнинг ушбу икки тармоғи хизматида бўлишининг мавжуд эмаслиги фавқулодда муҳимдир.

Шундай қилиб, суд мустақиллигининг асосий талабларидан бири, барча даражадаги судьялар суд ҳокимиятига тегишли бўлиши ва ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига бўйсунмаслиги ва уларга ҳисобот бермаслигидан иборат.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги одил судловни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлашнинг конституциявий принципи, холислик шarti ва адолатли судловнинг асосий кафолати ҳисобланади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини сақлаш, мустақиллик тамойилига амал қилиш судьянинг бурчидир. Судья ишни кўриб чиқишда жараённинг барча иштирокчиларига нисбатан мустақил ва холислик тамойилига риоя қилиши керак.

Судья жараёнга бевосита ёки билвосита аралашади, ишни кўриб чиқиш, у қайси томондан ва қандай мотив ва мақсадларга сабаб бўлиши, ҳар қандай ташқи таъсир, босим, таҳдид ва бошқа ҳолатлардан қатъий назар, ишда иштирок этаётган барча шахсларнинг процессуал ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда, ички ишончга мувофиқ,



фақат ишнинг фактик ва ҳуқуқий ҳолатларини баҳолаш асосида суд ваколатларини амалга ошириши шарт.

Судья ўз касбий фаолиятини қонунга қатъий амла қилган ҳолда, ички ишончига таянган ҳолда, ҳеч кимнинг таъсирига тушмасдан амалга ошириш шарт. Судья фаолиятини жамоатчилик муҳокамаси, унинг номига танқидий баёнотлар унинг қарорининг қонунийлиги ва асослилигига таъсир қилмаслиги керак.

Халқаро ҳужжатлар ва хорижий давлатлар қонунчилиги судьянинг мустақиллигини таъминлаш учун барча шарт-шароитларни назарда тутди. Тегишли моддий таъминотидан бошлаб, унинг оила аъзоларини давлат томонидан ҳимоя қилиш билан яқунланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини тубдан яхшилаш, судларни чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳалқни одил судловга бўлган ишончини ошириш борасида давлатимиз томонидан бир қанча ислохотлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг (эски таҳрирдаги) 22-боби “Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти” га бағишланган бўлиб, бош қомусимизнинг 106-моддасида “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади” деб белгилаб қўйилгани судларни чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида давлат томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг илк қадамлардан бири бўлди.

Конституциянинг 106-моддасига асосан, “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади”.

Шу ўринда, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу Фармонга асосан суд-ҳуқуқ тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, одил судловга эришиш даражасини ошириш каби устувор вазифалар белгиланди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири суд тизимини изчил демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди, суд ҳокимиятини мустақил тармоқ сифатида



ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, судлар мустақиллигини таъминлаш мақсадида, Судьялар олий кенгаши ташкил қилинди. Шунингдек, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилиб, Олий суд фаолияти такомиллаштирилди. Худудлардаги ҳўжалик судлари иқтисодий судлар сифатида қайта ташкил этилди, 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш ваколоти берилди. Судья лавозимида фаолият юритишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддати ва муддатсиз даври белгиланди. Судларнинг ўз молиявий, моддий-техник масалаларини мустақил ҳал қилиш борадаги ваколатлари адлия органларидан олиниб, Олий судга ўтказилди. Суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди. Шахснинг жиноят содир этишдаги айбдорлиги фақат суд муҳокамасида ўз исботини топган далилларга асосланиши кераклиги қатъий белгилаб қўйилди. Қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатлари қатъиян тақиқланди.

Судьяликка номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш механизми жорий этилгани алоҳида эътирофга лойиқ. Илк бор судьялик лавозимида номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини онлайн ёритиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, судьялик лавозимида биринчи марта тайинланадиган номзодларни кўриб чиқиш муқобиллик асосида амалга ошириладиган бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириб келинаётган изчил, тизимли ва кенг кўламдаги ислохотлардан пировард мақсад - бу суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашдир.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси. 01.05.2023 й, lex.uz. интернет сайти
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонунининг. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850 сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.01.2023 йилдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 11-сонли Фармони.
5. Ҳалқаро юристлар комиссиясининг Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги ва жавобгарлигига доир ҳалқаро тамойиллар –амалий қўлланма (иккинчи нашр) 2007 й, Хосе Зейтун, Федерико Андре Гусман. А.Асқаров таржимаси.
6. lex.uz. интернет сайти.